

Мавзу: Ўзбекистон Республикасининг “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни ҳақида

I. Мехнатни муҳофаза қилишнинг дунё бўйича ақтуаллиги

БМТнинг маълумотларига кўра сайёрамизнинг **45 %** аҳолиси, деярли **3 млрд** инсон жамиятни моддий ва иқтисодий қўллаб-қувватловчи дунёдаги иш кучини ташкил этар экан.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш миллий обзори (кузатиш натижалари)га кўра, бугунги кунда мамлакатимизда меҳнат қобилятига эга бўлган ёшдаги аҳоли сони **19,6 млн.ни** ташкил этиб, иқтисодий фаол аҳоли **14,8 млн** нафардир. Ишлаётган эркаклар **43 %** ёки **8,7 млн**, аёллар эса **47 %** ёки **9,5 млн** нафарни ташкил этмоқда.

Иқтисодиёт соҳаларида **14 196,3** минг киши фаолият юритиб, улардан:

саноатда – **13,2%**

қишлоқ хўжалигида – **29,1 %**

қурилиш соҳасида – **8,3%**

савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш соҳаларида – **8,9%**

транспорт ва алоқа – **4,8%**

соғлиқни сақлаш ва спорт – **7,2%**

халқ таълими, фан ва маданият – **13,5%**

уй-жой коммунал хўжалигида– **3,1%** ни ташкил этмоқда.

Ишловчи аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик бўлган муҳим вазифадир.

Бутун дунё хамжамияти бугунги кунда мавжуд муаммолардан бири, яъни иш жойларида содир бўлаётган оқибати енгил, оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ходисаларни, касб касалликларга чалинишни олдини олиш ва меҳнат муҳофазаси масалаларига эътиборни кучайтиришга қаратмоқда.

Касб касалликлари келиб чиқишида ишлаб чиқариш муҳити ёки меҳнат жараёнининг нохуш омиллари таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Касб касалликлари инсон организмга у ёки бу касбий ишлаб чиқаришнинг зарарли омиллари таъсири натижаси ҳисобланади (масалан, силикозда кремний диоксид чанги, заҳарланишларда саноатдаги заҳарли моддалар ва б.). Шу билан бир қаторда шундай касалликлар мавжудки, улар касбий ҳамда атроф-муҳитнинг бошқа омиллари таъсирида ривожланиши мумкин. Биринчи ҳолатда улар касбий (масалан, бронхиал астма кимё саноати ишчиларида) ва иккинчи ҳолатда умумий (масалан, уй чанги таъсиридан ривожланган бронхиал астма) касаллик ҳисобланади.

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш ташкилотининг 1964 йилдаги 124-конференциясида биринчи марта касб касалликлари рўйхати қабул қилинди ва бу рўйхатга кенг тарқалган зарарли омиллар таъсирида ривожланувчи

умуммаъқулланган анъанавий касб касалликлари киритилди. 1980 йилда 66-бутунжаҳон конференциясида ушбу рўйхат қайта кўриб чиқилди. Ҳозирги вақтда бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш ташкилотининг аъзолари бўлган 25 мамлакат қайта кўриб чиқиб тасдиқладилар. 1990 йилнинг 22 майида Европа комиссияси 90/326/ЕЕС тавсиясини қабул қилди ва касб касалликларининг рўйхатини тасдиқлади. Лекин ҳозирча касб касалликларининг қабул қилинган умумий ва ягона таснифи йўқ.

Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи касб касалликларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус сонли буйруғи билан тасдиқланган ва 100 дан ортиқ касалликни ўз ичига олади.

Касбий меҳнат лаёқатини йўқотилиш даражаси жабрланганга меҳнатда майиб бўлиш ва/ёки касб касаллигига чалинишидан олдинги касбий фаолиятни бажаришни давом эттириш имконини берадиган лаёқати, психофизиологик имкониятлар ва сифатлар, айнан ўша таркиб ва ўша ҳажмни ҳисобга олинган ҳолда, малака пасайганлиги, бажариладиган иш ҳажми ва одатдаги, махсус ташкил этилган ишлаб чиқариш шароитларида ва бошқа шароитларда иш ҳажмининг камайишини ҳисобга олган ҳолда меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинганлиги оқибатларидан келиб чиқиб, 5 фоиздан 100 фоизгача белгиланади.

II. Халқаро Меҳнат Ташкилотида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларининг устуворлиги

Халқаро Меҳнат Ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда бахтсиз ходиса оқибатида ҳар йили ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва касб касалликлари сабабли **2,3 миллион** аёл ва эркак халок бўлмоқда, ҳар куни ўртача **5 мингдан** ортиқ одам вафот этипти.

Ҳар йили **270 миллион** меҳнаткашларнинг енгил, оғир шикастланишлари, ўлим билан тугаган ходисалари, **160 миллион** касб касалликлари рўйхатга олинмоқда.

Жароҳатланиш оқибатида ходимларнинг учдан бир қисми **4 иш** кунидан ортиқ иш жойида бўлмаслик билан иқтисодиётга зарар келтирмоқда.

Ҳар йили **355 минг** бахтсиз ходисалар иш жойларида содир бўляпти. Тахлилларга кўра уларнинг ярми қишлоқ хўжалиги соҳасида, яъни бутун дунё иш кучининг ярмиси машғул бўлган соҳада кузатиляпти.

Ҳар йили ишда **12 минг** бола меҳнат фаолияти жараёнида халок бўлмоқда.

340 минг меҳнаткаш хавфли моддалар таъсирида халок бўлмоқда. Фақат асбестнинг ўзи тахминан **100 минг** ҳаётни олиб кетяпти.

Бутун дунё бўйича ҳар йили радиация хавфи билан боғлиқ хавф туфайли **11 миллион** меҳнаткаш тиббий текширувдан ўтяпти. Биринчи ёрдам кўрсатиш лозим бўлган айрим касбларда **5 мингта** жароҳатланишга битта ўлим ҳолати тўғри келяпти.

Асбест, бошқа канцероген чанглари ва химикатлар, ионлаштирувчи нурланишлар саратон касалликларига олиб келиши мумкин, бу эса меҳнат фаолияти билан боғлиқ **учдан бир** ўлимнинг сабабчисидир.

Меҳнат фаолияти билан боғлиқ ўлимнинг асосий сабабларидан саратон хасталиги **32%** ни ташкил этапти.

Иш фаолияти билан боғлиқ бўлган юрак қон томир касалликлари ва таянч ҳаракат тизими аъзолари биргаликда йўқотишларнинг ярмини ташкил этапти.

Бахтсиз ҳодиса оқибатида ва ишлаб чиқаришдаги зўриқиш билан ўлаётганлар инфекцион касалликлар билан халок бўлаётганлар сонига тенг.

Тадқиқотларга кўра **50 дан 60% гача** иш вақти йўқотилиши Европада ишлаб чиқаришдаги **стресс** билан боғлиқ.

Дунёда **100 миллион** корхона – кичик корхоналардир. Жами **3 миллиарднинг 1 миллиард** меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик ва кичик корхоналарга тўғри келади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг баҳолашича, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва касб касалликлари оқибатидаги зарар, яъни жаҳон иқтисодиётидаги ялпи ички маҳсулот **4%** йўқотилишига сабаб бўлмоқда.

III. Ўзбекистонда меҳнат муҳофазаси борасида давлат сиёсати

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **37-моддасида** “*Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир...*” деб белгилаб қўйилган.

Шу боис 1993 йил 6 майда “**Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган ва қонун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида инсоннинг меҳнат жараёнидаги ҳавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш профилактика тадбирларини қамраб олувчи меҳнатни муҳофаза қилиш тизими ташкил қилинган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги, корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва ҳавфсиз шарт-шaroитларини яратишга кўмаклашувчи солиқ сиёсатини юритиш, ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодисани ва ҳар бир касб касаллигини текшириб чиқиш ва ҳисобга олиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига чалинган ишловчиларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш принципларига асосланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида ягона давлат сиёсатини юритиш, ходимларнинг меҳнат қилиш жараёнида соғлиғини сақлаш борасидаги қулай ва ҳавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, бу борада профилактика тадбирларини олиб боришда меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликнинг аҳамияти жуда каттадир.

Тизимнинг фаолиятини ташкил қилиш борасида Давлат дастурлари асосида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида **20 га** яқин асословчи ва **227** тадан зиёд ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш қоидалари, **38 та** тармоқ ва ишлаб

чиқариш йўналишларида банд бўлган ходимлар учун махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибдаги ҳимояланишнинг бошқа воситаларини бепул беришнинг намунавий нормалари жорий қилинган.

Республикада жорий қилинган меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестациядан ўтказиш ва асбоб ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилигини аниқлаш тартибига мувофиқ корхоналардаги меҳнат шароитлари ўрганилган ҳолда ноқулай меҳнат шароитларда ишлаётган ходимларга қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёз ва кафолатлар белгилаб берилмоқда. Булар юқори тариф ставкаларда белгиланган меҳнат ҳақи, қисқартирилган иш вақти, қўшимча меҳнат таътили, бепул даволаш-профилактика озик-овқатлар, имтиёзли пенсиялар. Бугунги кунда **297 минг 561** нафар ходимларга мунтазам равишда ушбу имтиёз ва кафолатлар белгиланиб борилмоқда.

IV. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар

Қасаба уюшмалари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда **меҳнатни муҳофаза қилиш** соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан жамоат назоратини ўрнатиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2016 йилда жамоа шартномаларига меҳнат муҳофазаси бўйича киритилган **чора-тадбирлар** сони 2011 йилга нисбатан қарийб **85 фоизга ортиб**, деярли 560 мингтани ташкил қилди, режалаштирилган тадбирларнинг **96,5 фоизи** бажарилишига эришилди.

2016 йилда жамоа шартномаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича **битимларида** кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун сарфланган маблағ миқдори 2011 йилга нисбатан 1,5 баробарга ортиб, **133,8 млрд. сўмни** ташкил этди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича корхона ва ташкилотлар фаолиятини ўрганиш давомида аниқланган **12 мингга** яқин қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга **3 мингдан** ортиқ тақдимномалар киритилди, қасаба уюшмалари аралашуви билан аниқланган камчиликларнинг деярли ярми жойида бартараф қилинишига эришилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича **вакиллар** фаолиятининг самарали ташкил этилиши иш берувчилар томонидан ходимларга қулай меҳнат шароитлари яратилишида муҳим ўрин тутмоқда.

Бошланғич ташкилотлар, меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг фаол саъй-ҳаракатлари натижасида корхона ва ташкилотларда ходимлар билан йўриқномалар ўтиш тартиби белгиланишига, алоҳида цех ва бўлимларда ўқитиш хоналари соҳага оид махсус ўқув қўлланмалари билан жиҳозланишига, ўқув дастурлари ишлаб чиқилишига эришилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакилларнинг малакасини ошириш бўйича **Намунавий ўқув дастури** ишлаб чиқилди. Республика Кенгашлари ва ҳудудий бирлашмаларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимлари томонидан жойларда вакиллар ўқуви ташкил этилди. Республиканинг 139 та туман, шаҳарларида **22 889 нафар** меҳнат муҳофазаси вакиллари ўқитилди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва ижтимоий ҳамкорлар билан меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан давлат назорати ва жамоат текширувини олиб борувчи ходимларнинг биргаликдаги **ўқувини** ҳар йили ўтказиш йўлга қўйилди.

Муносиб меҳнат шароитлари яратилишида давлат ва жамоат томонидан миллий ва хорижий ижобий иш тажрибалар асосида ўтказиладиган профилактик тадбирлар юзасидан келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Касаба уюшмалари меҳнат муҳофазаси ва шароитлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи давлат бошқарув органлари билан ҳамкорликда корхона, ташкилот ва муассасаларда долзарб масалаларни ўрганиб, тегишли тавсияларни тайёрлаяпти.

Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда касаба уюшмаларининг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида **“Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови”** ҳар йили ўтказиб келинмоқда.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларидан совриндорлар «Энг яхши корхона», **«Энг яхши касаба уюшмаси кўмитаси»**, **«Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил»** номинациялари бўйича Федерация Кенгашининг совғалари билан тақдирланаяпти.

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар Республикаимизнинг барча ҳудудларини қамраб олди ва уни ижтимоий ҳамкорлар билан ўтказиш анъанага айланди.

V. Янги таҳрирдаги Қонун қабул қилинишининг тақозоси

Ўзбекистон Республикасининг **“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”**ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг **6 май 1993 йилдаги 840-ХП**-сон қарори билан амалга киритилган бўлиб, ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётининг замонавий талабларига ва амалга ошириладиган демократик ислохотларнинг чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, мамлакатда меҳнат қонунчилиги ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирилишига қаратилган чора-тадбирларга мос келмай қолди.

Шу билан бирга, **“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”**ги, **“Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”**ги, **“Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”**, **“Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”**ги, **“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги (янги таҳрирда), **“Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинганлиги **“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2014 йил 27 майдаги 132-сон** қарори билан тасдиқланган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини 2014–2016 йилларда амалга оширишга доир Кўшимча тадбирлар комплексининг **3-бандига** мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва тавсияларини, **20 дан зиёд** хорижий, жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги норматив базани такомиллаштиришга қаратилган.

VI. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида муҳокама этиш жараёнида касаба уюшмалари мутахассислари бевосита фаол иштирок этдилар.

Мазкур Қонун **жорий йилнинг 10 март** куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланиб, **25 августда** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати маъқуллади.

2016 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикасининг **“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”**ги Қонуни янги таҳрирда имзоланди.

Янги таҳрирдаги Қонун **36 та моддадан** иборат бўлиб, унинг нормалари Республикамизда янги қабул қилинган қонунлар ва халқаро меъёрий талабларига мувофиқлаштирилди, **янги нормалар киритилди** ҳамда амалдаги қонунчиликда белгиланган ва бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган нормалар чиқарилди, бунда:

– қонуннинг тузилмаси янгиланди, юридик техника юзасидан қонун қайта кўриб чиқилди;

– қонуннинг мақсади белгиланди ва асосий тушунчалар киритилди;

– Давлат сиёсати ва бошқаруви қайта кўриб чиқилди;

– махсус ваколатли давлат органи, шунингдек қонунчиликка мувофиқ алоҳида ваколатларга эга бўлган бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари ва вазифалари белгиланди;

– меҳнат муносабатларининг иштирокчилари иш берувчи ва ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатиб берилди;

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиш масалалари ҳамда хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳам шартнома асосида шу ишлар билан шуғулланиши мумкинлиги қайд этилди;

– меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш манбалари, нима мақсадларда фойдаланиши кўрсатилиб, меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланди;

– иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси, бошқариш тизимининг аудити, меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси, бахтсиз

ҳодисалар ва касб касалликларини текшириш ҳамда ҳисобга олиш каби нормалар иш берувчилар ва ходимлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш бўйича масъулиятини оширишга хизмат қилади;

– қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати ва текшируви қандай амалга оширилиши аниқ нормаларда баён этилди.

VII. Қонунни амалга ошириш механизмлари

2016 йил 22 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги **ЎРҚ-410-сонли Қонунини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси** ишлаб чиқилди ва Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Азимов томонидан жорий йилнинг **10 октябрида тасдиқланди**.

Мазкур чора-тадбирни амалга оширувчи асосий ижрочилар – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат, Соғлиқни сақлаш, Иқтисодиёт, Молия, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими вазирликлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, вазирлик, идора, қўмиталар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан белгиланган чора-тадбирлар **биринчи йўналишида** амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини тасдиқлаш кўзда тутилган.

а) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг янги қарорларини қабул қилиш

Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом (Қонуннинг 10, 11, 22, 23 ва 25-моддалари).

Ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом (Қонуннинг 7-модда биринчи қисми ва 12-моддаси).

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида Низом (Қонуннинг 17-моддаси тўртинчи қисми).

Ходимларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш, уларни ўқитиш ва билимларини синаш тартиби тўғрисида Низом (Қонуннинг 25-моддаси).

Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудитини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом (Қонуннинг 15-моддаси).

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларига талабларни белгилаш ва уларни ягона реестрини юритиш тартиби тўғрисида Низом (Қонуннинг 13-моддаси учинчи қисми).

Меҳнат шароитларининг давлат экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом (Қонуннинг 7-моддаси биринчи қисми).

Касб касалликларини текшириш ҳамда ҳисобга олиш тартиби тўғрисида Низом (Қонуннинг 7,9-модда биринчи қисми ва 26-моддаси).

б) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг амалдаги қарорларини қайта кўриб чиқиш

“Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 1994 йил 12 май 250-сон (Қонуннинг 14-моддаси).

“Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 11.03.1997 йил 133-сон (Қонуннинг 14-моддаси).

“Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 06.06.1997 йил 286-сон (Қонуннинг 26-моддаси).

“Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлиқнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш коидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 11.02.2005 йил 60-сон (Қонуннинг 33, 34-моддалари).

“Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 12.11.2008 йил 245-сон (Қонуннинг 16-моддаси).

“Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 24.06.2009 йил 177-сон (Қонуннинг 33, 34-моддалари).

“Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 15 сентябрь 263-сон (Қонуннинг 14-моддаси).

“Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида” 12.07.2000 йил 267-сон (Қонуннинг 8-моддаси).

в) Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларида меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича Дастур лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этиш

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири)ни амалга ошириш доирасида иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларида меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича Давлат Дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Чора-тадбирларнинг **иккинчи йўналишида** Қонунни амалга ошириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар белгиланган. Бунда:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига Қонунда белгиланган ваколатлардан келиб чиқиб, Меҳнат вазирлиги билан келишилган ҳолда, вазирлик идора, жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари таркибий тузилмаси, вазифа, функция ва ҳуқуқларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

вазирлик ва идораларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ходимларини Қонунга киритилган ўзгартишларга мувофиқ малакасини ошириш;

олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият олиб боровчи кадрларни тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида кадрларни ўқитиш ўқув-методик ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш;

корхона ходимларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича режадан ташқари ўқитиш ва йўриқномалар бериш.

Чора-тадбирларнинг **учинчи йўналишида** 2016 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-410-сонли Қонуни талабларини тушунтириш ва тарғибот тадбирларини ўтказиш режалаштирилган:

жойларда ходимлар ва иш берувчиларга Қонунга киритилган қўшимча ва ўзгартишларнинг моҳиятини Меҳнат ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси вакиллари иштирокида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш;

Қонуннинг мазмуни ва амалиётдаги аҳамияти ҳақида телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, босма ва электрон оммавий-ахборот воситаларида, давлат органларининг расмий веб-саҳифаларида туркум чиқишлар қилиш;

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини мукаммаллаштириш” мавзусида Меҳнат ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси вакиллари иштирокида семинар ва давра суҳбатлари ўтказиш.

VIII. Қасаба уюшмаларининг олдидagi вазифалар

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг **2016 йил 18 октябрдаги** Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунини қасаба уюшмалари тизимида амалга киритиш ҳақидаги **4-4-сонли Раёсати қарори** ижрога қаратилди.

Қонунни амалга киритиш бўйича Ўзбекистон қасаба уюшмалари тизимида амалга ошириладиган **чора-тадбирлар режаси** Қарор билан тасдиқланди.

Қасаба уюшмалари тизимидаги меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янгиларини ишлаб чиқиш бўйича **ишчи гуруҳ** тузилди.

Тармоқ қасаба уюшмалари Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашларига тегишли **вазифалар белгиланди**, жумладан:

Қонунни амалга киритишга доир чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тармоқлар кесимида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ва бошқа меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиб чиқиш;

касаба уюшмалари фаолиятига оид норматив ҳужжатларни Қонунга мувофиқлаштириш ҳамда янги нормаларни фаолиятга тадбиқ этиш юзасидан тақлифлар тайёрлаш;

ҳар бир тармоқнинг ўз хусусиятини эътиборга олиб, вазирлик, идора, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иш берувчи, касаба уюшмалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини жалб қилган ҳолда, Қонунни амалга киритилиши бўйича тарғиботига бағишланган ўқув-семинарлар ташкил этиш.

Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасида

Биринчидан, Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан касаба уюшмалари тизимидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни такомиллаштириш.

Касаба уюшмалари тизимидаги норматив ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб ҳамда янгиларини ишлаб чиқиб Федерация Кенгаши раёсатига тасдиқлаш учун киритиш:

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисидаги Низом;

Касаба уюшма кўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси тўғрисида Низом;

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар;

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик танловини ўтказиш тўғрисида Низом.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати Низомига мувофиқ Федерация Кенгаши аппарати Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими билан келишган ҳолда, тармоқ ва ҳудудлар ўз Низомларини мазкур ҳужжатга мувофиқлаштириши.

Жамоа шартномаларининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими”га Қонун талаблари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар тайёрлаш.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил тўғрисидаги Низомга Қонуннинг янги таҳрири талабларидан келиб чиқиб ўзгартиришлар киритиш.

Ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситалари синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида касаба уюшмалари вакиллариининг мустақил эксперт сифатида иштирок этиш борасида меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш.

Касаба уюшмалари тизимида янги қабул қилинган ва қўшимча, ўзгартиришлар киритилган норматив ҳужжатларни бошланғич касаба уюшмаларига етказиш.

Иккинчидан, Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан амалдаги норматив ҳужжатларни такомиллаштиришда касаба уюшмаларининг иштирокини таъминлаш.

а) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг янги қарорларини қабул қилишда иштирок этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг амалдаги қарорларини қайта кўриб чиқишда иштирок этиш;

в) Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларида меҳнат шaroитларини яхшилаш бўйича Дастур лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этиш. Қуйидагилар бўйича тақлифлар тайёрлаш:

ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш;

ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотиши, ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодисаларни бартараф этиш;

меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими самарали ишлаши.

Учинчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида тарғибот ишларини ташкил қилиш:

Қонун моҳиятини тушунтиришга оид касаба уюшмалари тизимида семинар ҳамда ўқув-тренинглар ташкил қилиш орқали кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар тўпламини чоп этиш ва тарқатиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тизими фаолияти ҳақида телекўрсатув, радио эшиттиришлар орқали ҳамда Республика ва маҳаллий босма ва электрон нашрларда тизимли равишда ёритиб бориш.

IX. Касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида вакилликни, шунингдек ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширади

Янги таҳрирдаги Қонунда, касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, шунингдек ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этган шахсларга, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиши ҳуқуқи берилган.

Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шерикликни амалга ошириб, **бош келишувлар, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувлари, жамоа шартномалари тузиши мумкинлиги** белгиланган норма Хукумат, иш берувчилар ва ходимларнинг вакиллик органларининг ижтимоий ҳамкорлиги янада яхшиланишига имконият яратади.

Ходимлар учун меҳнат ҳуқуқларининг ва кафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгилаб қўйилади.

Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин.

Жамоа шартномаси корхоналарда ходимлар учун қонунда белгиланганидан қулайроқ шароитлар яратиш, афзалроқ имтиёзлар бериш вазифасини бажаради.

Ижтимоий ҳамкорликни такомиллаштириш, ушбу муносабатлар жараёнида ижтимоий адолат ҳамда қонунийлик қарор топишига эришишдан иборат. Зероки, қонун ва адолат тантанаси таъминланмасдан туриб инсон бахт-саодати, унинг учун қулай шароит яратилиши, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланиши ҳамда кафолатланиши тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас.

Ишлаб чиқариш объектлари (асбоб-ускуна, жиҳозлар, дастгоҳ, станок) мавжуд бўлган жойда бахтсиз ходиса содир бўлиши мумкин. Меҳнат қонунчилиги шундай ҳар бир ҳолатни аниқлаш, тегишли идораларни хабардор этиш ва махсус текширишнинг қатъий талабларини белгилаб қўйган. Бунда, иш берувчи қонун ҳужжатлари талабларини қай даражада тўғри ва аниқ бажариши, ходимлар манфаатини кўзлашигина эмас, балки иш берувчининг ва ходимнинг ушбу масала юзасидан масъулиятини ошириш зарурлигини ҳам кўзда тутган.

Янги таҳрирдаги Қонунда касаба уюшмалари ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахсларидан **меҳнат шароитлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқи** берилган.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни сифатли ва самарали текшириш, техникавий ва ташкилий сабабларни кўрсатиш, уларни бартараф этиш чоратадбирларини мукаммал ишлаб чиқиб, ижроси таъминланиши натижасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар олди олинishiга эришиш мақсадида, **касаба уюшмалари ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этадилар** деб белгилаб қўйилган.

Зарур ҳолларда, таҳлиллар асосида ўзаро келишган ҳолда корхона ва ташкилотлардаги ҳолатларни ўрганиш, тавсиялар ишлаб чиқиш, таклифлар тайёрлаш ишларини тизимли давом эттириб, янги таҳрирдаги Қонун нормасига мувофиқ **касаба уюшмалари ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиб борадилар.**

Янги таҳрирдаги Қонун талаблари асосида касаба уюшмалари **касб касалликларини текширишда ҳамда тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этадилар.**

Ходимларнинг меҳнати, ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш масаласи касаба уюшмалари фаолиятининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни ташкил этишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирларни келгусида янада такомиллаштириш, уларнинг манзиллигини ва самарадорлигини оширишга эътибор қаратилади ва халқарор тажрибалар ўрганилган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинади.

Шунингдек, фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби, меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларнинг касбий меҳнатга лаёқати йўқотилиши даражаси, ногиронликка олиб келадиган асосий касалликлар ва ушбу касалликларда ногиронликни белгилаш мезонларига ҳақида алоҳида эътибор қаратилиши режалаштирилмоқда.

Қонун талабларига мувофиқ, касаба уюшмалари ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этадилар.

Касаба уюшмалари меҳнат муҳофазаси масалаларига, ходимларга хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, айниқса, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликлари профилактикасига янада катта эътибор қаратиб, ўтган даврда 500 мингдан зиёд тадбирларни белгилади ва амалга ошириб келмоқда.

Юқорида қайд этилган масалалар бевосита маблағ билан боғлиқ. Меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш бўйича норма Қонуннинг алоҳида моддаси қайд этилиб, унинг манбалари ва сарфланиши аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, **ходимлар ана шу мақсадлар учун бирор-бир чиқим қилмайдилар. Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин эмас.**

Меҳнатни муҳофаза қилиш учун иш берувчи томонидан маблағлар ажратиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича фондларни ташкил этиш ва уларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиби **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси иштирокида белгиланади.**

Қонунда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича **вакилга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ажратилади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланади** деб белгилаб қўйилган.

Касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар орқали ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар фаолиятининг самарали ташкил этилиши иш берувчи томонидан ходимларга қулай меҳнат шароитлари яратилишида муҳим ўрин тутмоқда. Вакилларнинг корхоналарда маъмурий-жамоатчилик назоратидаги иштироки меҳнат муҳофазаси соҳасида мавжуд камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш чоралари кўрилишига имкон яратмоқда.

Келгусида корхоналардаги вакиллар томонидан хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилгани устидан тизимли ишларни ташкил этиши бўйича тегишли ишлар режалаштирилган.

Янги таҳрирдаги Қонунда касаба уюшмалари учун яна қуйидаги ҳуқуқлар ҳам белгиланган:

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан **тегишли органларга мурожаат қилиш;**

меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб **судга мурожаат этиш;**

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, жамоа шартномаларида ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятлар бузилганлиги, шунингдек меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ **меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш.**

Келгусида Қонун ижроси юзасидан, бошланғич ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияларини шакллантириш, иш берувчи билан битимлар тузиш орқали тадбирлар белгилаш кўзда тутилган.

Ушбу **Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кириши** белгилаб қўйилганлигини эътиборга олиб, касаба уюшмалари бу даврда ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш, тегишли меъёрларни қабул қилиш, кенг жамоатчиликка тарғибот ва ўқув-тренинглар ташкил этишни режалаштирмоқдалар.

Замонавий раҳбарлар билადики, меҳнат унумдорлиги ва хавфсизликнинг ўсиши корхонанинг рақобатбардошлиги ошишига ишончли асосдир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кучли касаба уюшмаси бор жойда хавфсиз меҳнат шароити мавжуддир. Масалан, Швецияда юқори сифатли меҳнат муҳофазаси ходимларни самарали уч томонлама ҳамкорликка жалб қилингандан кейин юзага келган.

Х. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари кенгайтирилганлигини эътиборга олиб, келгусида ташкилотлар билан ҳамкорликда:

1. Ҳар бир корхонанинг ўзига мос бўлган фаолият соҳасига оид идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқишда касаба уюшмаларининг иштироки таъминланади. Касаба уюшмаларининг раисларини ўқитиб, малакасини оширамиз. Жойларда норматив ҳужжатларнинг ижросини назоратга оламиз.

2. Республикамизда ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонуни қабул қилиши билан ижтимоий шерикликка эътибор кучайган. Бош келишувлар, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувлари, жамоа шартномалари тузиш ва уларда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари киритилишини таъминлаймиз. Иш берувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш ва битимлар тузилиши диққатимиз марказида бўлади.

3. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали иш берувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўямиз. Ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шaroитлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот оламиз.

Ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритамиз.

Иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қиламиз.

Комиссиялар ишида иштирок этамиз:

– ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текшириш;

– ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш;

– тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида.

Иш берувчига ходимнинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сihat-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш профилактика тадбирларини қамраб олувчи, меҳнатни муҳофаза қилиш тизими ташкил қилишида амалий ёрдам берамиз.

4. Юқорида қайд этилганларни амалга ошириш учун ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича вакил сайланишига эришиб, улар ишини тизимли ташкил этамиз.

Нодира Каримова
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши
Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири
2016 йил 22 октябрь